учинчи булим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

79 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш тургисида (Узбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва фукаро объектларини лойихалаш ва куришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тургисида» 2011 йил 27 декабрдаги ПК—1666-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва фукаро объектларини лойихалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ−1666-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 17 февраль, 42-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 февралдаги 42-сон қарорига ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

1. Вазирлар Махкамасининг «Архитектура ва қурилиш сохасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «шахарсозлик хужжатларисиз» сўзлари «лойиха хужжатларисиз хамда уларни шахарлар ва ахоли пунктларининг тасдикланган бош режаларига мувофиклаштирмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

- 2. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Объектлар қурилишини лойихалаш хужжатларини ишлаб чиқиш билан айни бир вақтда амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низомда:
- а) 2-банддаги «қарорига кура» сузлари «Узбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишилган қарорига кура» сузлари билан алмаштирилсин;
- б) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
 - в) 6-бандда:

биринчи хатбошига «Вазирлар Маҳкамасининг» сўзларидан кейин «Президент Девони билан келишган ҳолда белгиланган тартибда ҳабул ҳилинган» сўзлари ҳўшилсин;

иккинчи хатбошидаги «идорадан ташқари» сўзлари «давлат» сўзи билан алмаштирилсин;

- г) 8-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармаси» сўзлари «Шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;
- д) 10-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- е) 13-банддаги «Давархитектқурилиш» қумитасининг Давлат архитектуракурилиш назорати бош бошқармаси («Бошдавархитектқурилишназорат») ёки унинг минтақавий булинмалари томонидан» сузлари «Давлат архитектуракурилиш назорати худудий инспекциялари (ДАҚН инспекциялари) томонидан» сузлари билан алмаштирилсин;
- ж) 14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Бошдавархитекткурилишназорат» органлари» ва «Бошдавархитекткурилишназорат» органи» сўзлари тегишли равишда «ДАҚН инспекциялари» ва «ДАҚН инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 3. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 14 августдаги 320-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Шахарлар, туман марказлари ва шахар типидаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўгрисидаги низомда:
- а) 1.1-банддаги «Архитектура ва шахарсозлик тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодекси» сўзлари билан алмаштирилсин;
 - б) 1.4-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қушилсин:
- «Ўзлаштирилмаган (қурилмаган) захира худудлар мавжуд булган тақдирда ҳисоб-китоб муддати тамом булгандан кейин бош режанинг амал қилиши янги (тузатиш киритилган) бош режа белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар татбиқ этилади»;
- в) 3.1-банддаги «Ўзшаҳарсозлик» лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳар бош лойиҳасини илмий-тадқиқот қилиш ва лойиҳалаштириш институти» сÿзлари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар кор-

хонаси ва «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

- г) 3.2-банднинг биринчи хатбошидаги «ва жисмоний» сузлари чиқариб ташлансин:
 - д) 6.4-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
 - «6.4. Қуйидагилар:

тегишли бирламчи-рухсат берувчи ва шахарсозлик хужжатларисиз, шунингдек уларни ахоли пунктларининг тасдикланган бош режаларига мувофиклаштирмасдан ахоли яшаш жойлари худудида объектларни лойихалаштириш ва куриш;

шаҳарлар, посёлкалар ва туман марказларида қурилиши тугалланган массивлар, куп қаватли турар жой кичик даҳалари (мавзелар) ҳудудида тасдиқланган бош режаларда назарда тутилмаган ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, сервис хизмат курсатиш ва бозор инфратузилмасининг алоҳида турган объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш тақиқланади»;

- е) 6.5-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;
- ж) 6.6 ва 6.7-бандлардаги «Ўзшахарсозлик» лойихалаш илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шахар бош лойихасини илмий-тадқиқот қилиш ва лойихалаштириш институти» сўзлари «ЎзшахарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси» ва «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 4. Вазирлар Махкамасининг «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорининг 2-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда):
- а) бешинчи хатбошига «ушбу банднинг еттинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллардан ташқари» сўзлари қўшилсин»;
 - б) қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қушилсин:
- «буюртмачи билан пудратчи ўртасида келишув мавжудлигидан қатъи назар, куриш ва реконструкция қилишнинг хисоб-китоб (смета) қиймати ошишига йўл қуйилган объектлар буйича танлов савдолари натижалари буйича тузилган шартномада назарда тутилган шартларнинг ўзгариши курилиши ва реконструкция қилиниши Хукумат даражасида тасдиқланиши керак булган объектларнинг манзилли руйхатларини тасдиклаш буйича Хукумат комиссиясининг қарори қабул қилинган тақдирдагина қабул қилинган деб хисобланади».
- 5. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2010 йил 23 мартдаги 50-сон қарорининг 5-бандидаги «фақат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика арҳитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлигининг» сўзлари «йўл қўйилмаслиги юзасидан» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 6. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режа-



лаштиришни ташкил этиш лойихаларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2010 йил 4 декабрдаги 286-сон карори 7-бандининг учинчи хатбошига «тегишли ахоли пунктларининг тасдикланган шахарсозлик хужжатларига ва, зарурият бўлганда, уларга белгиланган тартибда киритиладиган тузатишларга қатъий мувофик равишда» сўзлари қўшилсин.

- 7. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда ҳишлоҳ ҳӱжалигига оид бӱлмаган бошҳа эҳтиёжлар учун ер участ-калари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тӱғрисида» 2011 йил 25 майдаги 146-сон ҳарорида (Ӱзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 40-модда):
- а) 2-банднинг иккинчи хатбошига «белгиланган тартибда тасдиқланган лойиха хужжатларисиз ҳамда уларни шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига мувофиклаштирмасдан объектларни қуриш ва реконструкция қилишга йул қуйилмаслигини» сузлари қушилсин;
- б) Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид булмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартиби турисилаги низомла:

11-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «шунингдек» сўзи «курилиши ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Хукумати даражасида тасдиқланиши керак бўлган объектларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлаш бўйича Хукумат комиссияси томонидан, шунингдек» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қушилсин:

«Хисоб-китоб (смета) қиймати 2,0 млрд сум ва ундан ортиқ булган объектлар қурилиши учун (улар буйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг қарори мавжуд булган объектлар қурилиши бундан мустасно) ер участкалари ажратиш, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, қурилиши ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Хукумати даражасида тасдиқланиши керак булган объектларнинг манзилли руйхатларини тасдиқлаш буйича Хукумат комиссиясининг ижобий қарори олингандан кейин расмийлаштирилади»;

18-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қушилсин:

«Олдин ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳалар буйича шаҳарлар ва посёлкаларда (туман марказларида) қурилиши тугалланган маъмурий марказлар, турар жой кичик даҳалари ҳудудида қуриш учун объектларни жойлаштириш буйича материаллар қурилиши ва реконструкция қилиниши Узбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқланиши керак булган объектларнинг манзилли руйҳатларини тасдиқлаш буйича Ҳукумат комиссияси билан белгиланган тартибда келишилиши керак».